

XIV асрнинг 50-60-йилларида Ўрта Осиёда феодал таркоклик гоятда кучайиб, улар конли урушларга айланди. Амир Баён Сулдуз Самаркандда, Амир Хожи Барлос Кешда, Амир Боязид Жалоир Хўжандда, Ўлжойту Сулдуз Балхда, Мухаммад Хўжа Яздий Шибиргонда ўзларини мустакил хисоблаганликлари сабабли улар ўртасида доимий низолар бўлиб турди. Натижада давлатни бошқарув ишлари ва хўжалик ҳаёти бутун-лай издан чиққан эди.

Амир Темур ҳокимият тепасига келганидан кейин (1370 й.), у ва унинг авлодлари даври мамлакатимиз тарихи турли тарихий, ижтимоий ва маданий жараёнларга бой давр бўлди. Бу даврда Ўрта Осиёда узок муддат давом этган мўғуллар истибдодига барҳам берилди. Хусусан, бу даврда илмий-маданий ҳаётнинг гуркираб ривожланган-лигини кузатишимиз мумкин. Амир Темур тиббиёт, математика, астрономия, тарих, адабиёт, тилшунослик, диний илмларга катта эътибор берди. Унинг саройида Мавлоно Абдуҷаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунший, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Баҳриддин Аҳмад, Алоуддин Коший, Жалол Хокий каби алломалар фаолият кўрсатишган. Амир Темур ҳарбий юришлар, давлатни бошқариш ишларидан ташқари жуда кўпгина меъморий обидалар қуриш ишларини ҳам олиб борди. Айниқса, Самаркандда жуда кўплаб меъморий обидалар, боғлар, саройлар бунёд этилди. Хусусан, Бибиҳоним масжиди, Шохизинда макбараси, Боғи Дилқушо, Боғи Нав, Боғи Биҳишт, Боғи Шамол каби боғлар, Кўксарой ва Бўстонсарой каби қароргоҳлар шулар жумласидандир.

Амир Темур Шаҳрисабзда Оксарой ва макбаралар, Туркистонда Аҳмад Яссавий макбараси, Тошкентда Зангиота макбараси, Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадрасалар барпо эттирди. Бутун Ўрта Осиё ҳудудларида қишлоқлар, қар-вонсаройлар, ҳаммомлар, мадрасалар, макбаралар қурилиши ўша давр учун мисли кўрилмаган даражада олиб борилди.

Амир Темурдан сўнг унинг авлодлари жаҳоннинг моддий-маънавий маданияти ҳазинасига улкан ҳисса қўшдилар. Хусусан, Улугбек даврида фан ва маданиятга ҳомийлик қилиш, бу соҳаларнинг гуллаб яшнаши ва қурилиш ишлари янада авж олди. Улугбек замонида Самарканд, Бухоро, ўйждувон, Шаҳрисабзда масжид ва мадрасалар, саройлар бунёд этилди. 1428-1429 йилларда Самаркандда расадхона бунёд этилди. Бу расадхонада Улугбек билан ўз даврининг машҳур олимлари Қозизода Румий, ўйёсиддин Жамшид, Али Қушчилар ҳам фаолият кўрсатиб астрономия соҳасида улкан ишларни амалга оширдилар. Расадхона ёрдамида Улугбек машҳур астрономик жадрваллар — «Зижи Қўрагоний»ни тузди.

Бу даврда тарихий фанлар соҳасида ҳам кўпгина ишлар қилинди. 1424-1425 йил-ларда Шарофиддин Али Яздий «Зафарнома»ни тугатди. Хофизи Абру «Тарихий йил-номалар», «Бутун жаҳон тарихи» асарларини ёзди. Абдураззоқ Самаркандий ўзининг «Матлаъи ус-садаъйн ва мажмаи ул-баҳрайн» асарида Шохрух даври тарихини ёритиб берди. Шунингдек, Мирхонд, Хондамир каби тарихчиларнинг ҳам ижоди гуллаб яшнади. Бу даврда адабиёт соҳасида ҳам самарали ишлар қилинди. Бу жараёнда шоир ва давлат арбоби бўлган Алишер Навоийнинг хизматлари катта бўлди. Ундан ташқари Жомий, Лутфий, Саккокий қабилар ўлмас асарлар яратдилар. Қамолиддин Бехзоднинг рассомлик фаолияти ривожланди. XIV-XV асрлар Ўрта Осиёда мусика санъати тараккиётида ҳам янги маҳсулдор босқич бўлди. Маҳоратли созандалар, бас-такорлар,

хофизлар орасидан Абдукодир Найий, Кулмухаммад Шайхий, Хусайн Удий, Шохкули ўижжакий, Косим Раббоний, Дарвиш Ахмад Конуний ва бошқалар етишиб чикдилар. Умуман олганда теурийлар давридаги маданий тараккиёт «Теурийлар уйғониши (ренессанси)» атамасига мувофик келади. Бу хакикатан ҳам турли маданий доиралар — фан, адабиёт, бадий ижоднинг ягона Ўрта Шарк заминида ўзига хос уйғониши эди.